

Муфтий Усмонхон Алимов халқаро анжуманда иштирок этиш учун АҚШга жўнаб кетди



09:10 / 20.05.2019 1950

Кеча 2019 йил 19 май куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов АҚШнинг турли шаҳарларида бўлиб ўтадиган учрашувлар, халқаро анжуманлар ва давра суҳбатларида иштирок этиш учун жўнаб кетди.

Океан орти мамлакати сафари давомида Ўзбекистон делегацияси АҚШ давлат департаменти вакиллари билан учрашув ўтказиш ва халқаро диний эркинликлар масалалари бўйича мутахассислар билан мулоқотлар ташкил этишни режалаштирган. Шунингдек, ушбу мамлакатдаги дин пешволари билан суҳбатлар уюштириб, ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги

келишувлар муҳокама қилинади.

Ташриф давомида соҳа мутахассислари, экспертлар ва дин пешволари иштирокида **“Маърифат ва диний бағрикенглик: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси”** мавзусида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади.

Ўзбекистон делегацияси АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги йирик жоме масжидида жума намозини адо этишни ҳам кўзда тутган.

Тадбир тафсилотларини сайтимизда кузатиб боринг.